



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил  
25 октябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 86  
(11.889)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

## Болалар спорти


Ўтган шанба кuni Тошкент туманидаги 9-мактаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали кўмағида юздан ортик болалар иштирокидаги ҳақиқий спорт байрамига гувоҳ бўлди. Кун бўйи болалар футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси бўйича бахсларда иштирок этишди. Махсус иншоотда шахмат ўйинлари бўлиб ўтди. Айниқса, кураш мусобақалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.



## Бўлажак чемпионларнинг илк ғалабалари

Ҳозир мактабда 2350 ўқувчи тахсил олаётир. Қолаверса, иккита спорт зали болалар ихтиёрида бўлиб, машғулот учун керак бўлган барча анжомлар билан жиҳозланган. Хусусан, кураш тўғрисида фаолият юритаётган малакали мураббийлар ўз маҳоратини ошириш истағида бўлган болалар билан мунтазам машғулотлар олиб боришмоқда. Спорт байрами ушбу туманда туғилган Феруза Расуловага турон яқкураши бўйича спорт устаси гувоҳномасини тақдим этиш билан бошланди. Шундан сўнг миллий байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Нихоят, ҳамманинг орзиқиб кутгани — ҳакамнинг ўйин бошланганлиги ҳақидаги хушхабар чалинди. Биринчи бўлиб гиламга беш ёшдаги, аммо курашнинг нозик сирларини дурустгина ўзлаштирган болакайлар чиқиб келишди.



вилоят филиали директори Валерий Мураткин табриқлаб, совғалар тақдим этди. Бу болалар учун катта спорт шохсупасига йўл эндигона бошланаёпти. **Отабек ЭЛТОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**  
**СУРАТЛАРДА:** спорт байрамидан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

## Долзарб мавзу

### ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМИ

Мамлакатимизда ҳарбий хизмат ёшлар учун том маънодаги нуфузли ва шарафли ишга айланди. Ўсмирларда армия сафида хизмат қилиш иштиёқи тобора кучаймоқда. Муваққат ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг муносиб вакиллари Куролли Кучларга танлаб олинмоқда. Илгирларнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этишида уларни ҳарбий хизматга қабирилунига қадар тайёрлаш масаласи муҳим ўрин тутди.

— Ёшларни Куролли Кучлар сафига қабирилгунига қадар тайёрлаш, уларда Ватан ҳимояси учун доимо тайёр туриш билан боғлиқ юксак фазилатларни қарор топтириш долзарб вазифалардандир, — деди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр ДОНИЕРОВ. — Бу борадаги зарур йўл-йўриқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг ҳарбий соҳани ривожлантиришга оид фармон, қарор ва асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ҳарбий хизмат ва ёшлар таълими муассасаларида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда Куролли Кучлар вакиллари иштирокида "Ўзбекистон: жамият ва армия" мавзусида баҳс-мунозаралар ва "Ватаним тақдирим" мавзусида танловлар ўтказилаёти. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида таълим муассасаларида тўққиз юздан зиёд жанговар ва меҳнат шукрати хоналари ташкил этилган ва улар доимий равишда янги-янги экспонатлар билан бойитиб боришмоқда.

## Қарор ва ижро

### ИСТИҚБОЛИМИЗ ТАЯНЧИ

Қайсидир даврда фаровон ҳаёт омиллари, истиқбол таянчлари хусусида сўз борганида ҳаёт магзини чаққан кексаларимиздан бири шундай деди: «Ҳаёт уч негиздан иборатдир: кеча, бугун ва эрта. Яъни, кечаги мақсаднинг, бугунги ҳаракатнинг ва унинг эртанги натижаси». Нақадар тўғри фикр.

## Обуна - 2007

Шу кунларда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидан келгуси йил учун вақтли нашрларга обуна давом этмоқда.

## ҲАРАКАТ БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 23 март кuni эълон қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

лаётган демократик тамойилларнинг мазмун-моҳияти ҳам шундан.

## МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

қўшишимиз даркор, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг доимий мухлиси бўлиб қолаверамиз.





Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

«ОКМК» — ИМКОНИЯТ КАМАЙДИ

Миллий чемпионатнинг биринчи табақасида 34-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи даврани пешкада сифатида яқунлаган вакилимиз — Олмалиқнинг «ОКМК» жамоаси олий табақа даъвогарлари қаторидадан жой ололмади.

«Кўкюн-1912» жамоаси меҳмони бўлган олмалиқликлар учрашуви кўтаринки, ҳужумкор рухда бошланди. Жамоавий ўйин кўрсатган вакиллари рақиб ҳимоячиларини кўп ҳолларда хато қилишга мажбур қилишди.

Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар кайд этилди: «Миёнкул» — «Фаллакор» — 2:1, «НБУ-Осиё» — «Шайхонтоҳур» — 5:0, «Цементчи» — «Уздон-ЖУ» — 2:0, «Сурхон» — «Шурчи-Лочин» — 5:1, «Оқтепа» — «Сирдарё» — 6:3, «Косонсой-Заковат» — «Шахрихон» — 3:2, «Машъал-2» — «Зарафшон» — 0:0, «Вобкент» — «Хазорасп» — 4:0.

Мусобақа жадвалида «Кувурич» футболчилари асосий рақибларини орда қолдириб, олий табақага йўлангани нақд қилиб кўйди. «Вобкент» ва «Машъал-2» жамоалари эса қолган ўринларни эгаллаган.


ГОМЕЛАДАГИ ОЛТИН МЕДАЛ

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГОМЕЛЬ ШАХРИДА ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА ЎТГАН АЪНАВАЙ НУФУЗЛИ ТУРНИРДА ТУРЛИ ХАЛҚАР МУСОБАҚАЛАР СОВРИНДОРИ БЎЛГАН ХАМЮРТИМИЗ ОЛГА АКИМОВА ВА АЛЕКСАНДР ШАКАЛОВ БИРИНЧИ ЎРИННИ ҚўЛГА КИРИТДИ.

Ушбу нуфузли турнирда 12 мамлакатдан икки юз нафар спортчи иштирок этиб, ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш қилди.

ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛИ ФОЛИБ

Шу йил 16-20 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуасида стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Шу йил 16-20 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуасида стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

«БАЛЛОНДОР» КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

FIFA томонидан ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Баллондор» (бриллиант түп) соврини ўз номзодларини эълон қилди.

Улар орасида ушбу совриннинг ўтган йилги соҳибни Роналдиньо ҳам бор. Тахминларга кўра, унинг энг асосий рақобатчилари Фабио Каннаваро ва Зайиддин Зидан бўлиши мумкин.

лигаси ҳамда Жаҳон чемпионати финалида иштирок этди.

«ДИНАМО»НИНГ ЙИРИК МАҒЛУБИЯТИ

Европа чемпионат лигасининг навбатдаги гуруҳ баҳслари бўлиб ўтди.

Иштирокчилар орасида юртимизда қўлба муҳлислари топиладиган МДХ клублари ҳам бор. Дастлаб «ЦСКА» — «Арсенал» ва «Динамо» (Украина) — «Лион» баҳслари бўлиб ўтди.

бўлса, ҳамюртимиз Максим Шацкич жамоаси ўз уйда йирик — 0:3 ҳисобида енгилди. «Валенсия» — «Шахтёр» ҳамда «Интер» — «Спартак» ўйинларида 2:0 ва 2:1 ҳисоблари қайд этилди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИССИҚХОНА ВА ТОМОРҚА, ГУЛ ВА МИНЕРАЛ ЎГИТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОН ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оққўрғон тумани «Қишлоқхўжалиқимё» филиали юқори сифат билан тайёрланган ва минерал ўғитлар билан бойитилган, чекланмаган микродоғи компост маҳсулотини келишилган нархларда сотади.

ОҲАНГАРОН ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ

K-700 маркали трактор ва трейлер сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.

Клубда маҳалла ахли йиғилиб бўлган, оқсоқол гап бошлади: — Ассалому алайкум, «Илғор» маҳалласининг бешбармоқдай ахил жонқурлари. Агар руҳат этсаларинг, ман шу мажлисни очик деб эълон этишга! Чинни коса ош билан ширин дегандай, мажлис чапак билан ширин, азизлар, қани, бир чапак чалворинларчи, ҳа, баракалла, биродарлар.



ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ...

ди. Эртасига бола яна беш сўм узатибди. Чол ақчани яна оловга ташлабди. Ученчи кун ўғил хориб-чарчаб келиб, тапган бир сўмини отасига узатди. Ота пулни олиб энди оловга ташлай деб турганида, ўғил унинг қўлига ёпишибди: — Пулни нима қилмоқчисиз, ота? — Утга ташламоқчиман. — Ташлама, — дебди ўғил. Ота сўрабди: — Айтчи, 5 сўм топиб келгенда...

каңақа иш қилган эдинг? Иккинчи кунчи? — Хўро уриштирган йиғит чўтал деб берувди. — Учинчи кунчи? — Хаммоллик қилдим. — Кўрдингми, ўғлим. Мехнатсиз топилган пулни ўтга ташлаганида индамадинг. Мехнат қилиб топилган пулни ўтга ташламоқчи бўлганимда, дод деб қўлимга ёпишдинг, — деди ота. Шунда ўғил бошини қашлаб қолган экан. Энди мақсадга келса, аввал замонада семья қуриб қийин бўлган. Уйланадиган жигит манглай тер тўкиб ишлаган, қалин учун мол, дунэ ўтпаган, ота-она йиллиб йиққан сепига ўғилни уйлантирган. Шу учун куёв хатиннинг қадрига еткен. Хатинни қағазга ўралган канфетдай авайлаб-асраган. Мисол учун, ўзимди олайлик, худой ёш

берса, тўксанни қаралаб қалдим, шу ерда ўтирган жигитлар билан беллаша оламен. Кемпиригим мана алтпис йилдан бери бир ёстикча бош қўйиб жюрибмиз. Уриш жўк, жанжал жўк, кези келгенда кемпирини мақтаб кўяман. Ишханада башлик, уйда хатин қадим бўлса, эр қаримайди. Қадимдан келин минан кувёни «кўша қаринглер, ували-жували бўлинглер», деб дуо қиладилер. Энди бўлса, меодовий ўтар-ўтмас, персўвойи ои бошланиб кетеди.

рактирида гайри инсоний нуқсонлар руй бермоқда. Уйкусида алламбалоларни гапириб чиқади. — Озгинга счечкич қўйиб кўяман деб дўк гапиргани, — гап қотди Хайрона.

— Шу гапни гапиргани уялмайсизми, Тиркашвой. Бир жўрамнинг хотини 20 йил аввал трамвай хайдарди, уйкусида «Вагон Хадрагача!» деб гапириб чиқаркан. Нима қилибди, одатда...

— Уларни дам олиш кунлари болаларни ўйратиб келиш ўрнига, хуррагини магнитофонга ёзиб олиб, уззукун эшитиб ётадилар. — Гапирган гапга тушунтириш берилмайдими. — Уларни дам олиш кунлари болаларни ўйратиб келиш ўрнига, хуррагини магнитофонга ёзиб олиб, уззукун эшитиб ётадилар. — Гапирган гапга тушунтириш берилмайдими.

— Мен хуррагини тинглаб, маънавий озуқа оламан. Узинг аксирганда носовий хидагандай маза қиласан-ку! — Мени аллергиям бор, — ўзини оқлади Хайрона. — Бекорларни айтибсан, сурпури ушлагга аллергиям бор, кюр ювишга аллергиям бор. Ош ўрнига шавла қилсан. Оқсоқол ўрнидан турди: — Арзиманга нарсага уриш-жанжал ярамайди. «Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши» дейдилар. «Яраш-яраш» қилинлар, қани, Тиркашвой бошланг.

— Қиличми, тўқмоқ? — Тўқмоқ, — деди Хайрона. — Қилич, — деди Тиркашвой кўл узатиб.

— Баракалла. Демак тўксон йилгача ўртоқ. Хайронахон, сиз тушликка яхши ош дамланг. Йиғилиш тугади, ҳамма хурсанд бўлиб уйларига тарқалди.

Абдулла ИСОМИДДИН.

РАССОМ АСАРЛАРИ МУХЛИСЛАР НИГОҲИДА

Пойтахтдаги Республика Бадий академиясининг марказий кўргазма залда рассом Акмал Жамоловнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси Акмал Жамолов 1959 йилда таваллуд тоғди. Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институтини тамомлаган мусаввир ўтган вақт мобайнида юртимиз ва хорижда ўтказилган бир қанча нуфузли кўргазма ва танловларда ўз асарлари билан иштирок этди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

МФ ОИДАЛИ НАСЛАХАТЛАР

Музлатгичда бир неча кун сақланган исмалоқ, шовул ва салат барглари тузлй сувда чайиб юборилса, ўз холига қайтади.

Тозеланган картошкани ўртасидан бўлиб, муйбўёк билан чизилган портрет ҳамда эшикдаги бармоқ изларини артиб кетказса бўлади.

Ипак абажурни бензин билан намлаган чўтка ёрдамида тозалаш мумкин. Кейин уни қуриштириш ҳамда шамоллатишни унутманг.

Қибрай туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йил 21 июнда Сайхонхон Амрнхон Рустамхонини номига берилган 1506132 рақамли аттестат ақдорлангани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тошкент ҳақиқати» тахририяти жамоаси газетанинг ўз муҳбири Сабёра Рухиевага падари бузрукчи ВА РАҲМОНКУЛ ОТАНГИН вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

ШАНБА 28 ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКСТОН ТВ

ЭШААР

ТОШКЕНТ TV

ЯКШАНБА 29 ҲАҚИҚАТИ

ЭШААР

ТОШКЕНТ TV

СПОРТ

Тошкент ҳақиқати ва Тошкентская правда муассиси: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Абдушуҳидов

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.